




ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚҰМИТАСИ

Газета 1929 йил, 1 августдан «Ленин учқуни» номи билан чиқа бошлаган

№ 48(65875)
1995 йил, 19 декабрь, сешанба

Сотувда
эркин нархда

У Андижон вилояти, Ба-
ликчи тумани, Турғунбой
Юсупов номидаги 5-мактаб-
нинг 4-синфида ўқийди. Кат-
та оиланинг энг кенжаси.
Мустақил давлатимизнинг
сўлим қишлоқларида яшов-
чи барча оилалар фарзанд-
лари каби эрта саҳарда ёпил-
ган иссиқ нонни лаззатли
қаймоққа ботириб нонуш-
та қилганича илм даргоҳига
шошилади. Ўғли, чевар,
меҳрибон қизалоқ. Аммо би-
роз шўх, шаддод. Унинг ҳаё-
ти барча кичкинтойлар ка-
би қизиқарли воқеаларга бой.
Сиз ҳам тапшинг-а, балки
қизиқиб қоларсиз.

ГИННЕС КИТОБИГА КИРМОҚЧИ ЭДИ

— Мен китобдан бир нар-
сани ўқиб қолдим. Шунинг
сизларга топишмоқ тарзида
айтаман. Қани топинглар-
чи? — деди дабдурустан
Мадина. Унинг ғаройиб ҳи-
қояларига урганиб қолган
синфдошлари жавобга
шайланишди.

— Сабрина исмли олмо-
ниялик қиз Гиннеснинг ре-
кордлар китоби, ғаройиб та-
лабалар булимига кирмоқ-
чи булибди. Ва янги йил
тунида дўстларига совға қи-
лиш учун ўз қули билан
бодринг устира бошлабди.
Ниҳоят ўша кун ям-яшил,
хушбўй, лаззатли неъматлар
билан барча тенгдошларини
меҳмон қилибди.

— Бирорта иссиқхонада
усганидан сотиб олиб бер-
гандир-да, — деди ҳафсала-
сизлик билан кимдир.

— Сабринанинг асл мақ-
сади китобга кириш эмас,
биринчидан, инсон ҳаракат
қилса, ҳамма нарсаси қулидан
келишини, иккинчидан, дў-
стлари ва яқинларини хур-
санд қилиш истаги доимо
руёбга чиқишини исботлаш,
китоб эса бир баҳона эди,

холос, — ўзи жавоб берди
Мадина.

Афсуски, баъзи болалар кат-
талар эслатмаса, дарс қил-
майди, ҳатто онаси тайёрлаб

керак эди. Шу сабаб маҳалла-
га ош бериб, «сочқи» сочила-
диган кун.

• Ўғилчилар ҳақида ҳикоялар

МАДИНА БОНУ



бермаса, эрталаб нонушта ҳам
қилмай мактабга жунавора-
ди, — уни маъқуллашди дуго-
налари.

ШАҲРИЁРНИНГ ХОЛАСИ

Мадина жиянлик, яъни
жакжи Шаҳриёрга хола бул-
ди-ю, ишлари янада купайди.
Аяси, дадаси буюрган ишлар-
ни юриб эмас, югуриб бажар-
ади. Бугун ҳам шундай бул-
ди.

«Урмонбек» қишлоғи тао-
милига кура чақалоқ Шаҳ-
риёр ва унинг онаси Гулчеҳ-
рахон қирқ кун Мадиналар-
никида меҳмон булиб, сўнг
ўз уйларига кузатилишлари

Тонг қоронғусида
уйгонган кичик хо-
ла кечқурун қориб
қўйилган хамирни
куздан кечирди.
Ошиб, қўпчиб ту-
рибди. Тандирга ут
қалаб, ойиси, опала-
ри, сўнг акаси Дил-
шодбекни уйготди.
Бир неча қўмғонда
илиқ сув тайёрлаб,
сочик, совун билан
бирга ҳовли этагига
олиб бориб қўйди.

— Қизалоғим, не-
га югурасан, бу иш-
ларни юриб ҳам ба-
жариш мумкин-ку,
— кенжатоини ая-
гандек гапирди Маҳ-
муджон ака.

— Тезроқ ишла-
римни битириб
олай, кейин Шаҳ-
риёрнинг олдида утираман,
шунга шошяпман, — дадаси-
ни тинчлантирди Мадина.

Она — Турсуной опа эса
қизалоғига термулар экан, у
учун ҳаёт нақадар нашъали,
қизиқарли, умидларга тулиқ
эканидан кўнглига илиқлик
югурди.

СЕН ЎЗИНГНИ МАҚТАГИН

Уй супураётган Мадина-
нинг олдида кула-кула опаси
Умида келди:

— Сени уртоқларинг ча-
қиряпти.

— Қанақа уртоқ?

— Чиқавер, кўрасан.

У дарвоза олдида чиққанда

китоб-дафтар қўлтиқлаб,
қўлларини чўнтақларига со-
либ олган уч-тўртта кичкин-
той турар, совуқдан бурун-
лари қизариб кетганди.


— Уй вазирамиз чиқмаяп-
ти, сизнинг олдингизда дарс
қилсак, ўғилчи буларканмиз,
мактабда айтишди, — дейиш-
ди барабарига.

Мадина қўлди. «Қани,
юринглар, булмаса», деди
меҳмончаларни дарсхонаси-
га таклиф қиларкан. — Мен
ташқарига чиқишим билан
мана бу ерга утириб: «Мен
ҳамма нарсани биламан» де-
ган сўзни уч марта қайтара-
сиз. Кейин утилган мавзу-
ни, синфда ишлаган машқ-
ларингизни яхшилаб тушу-
ниб ўқийсиз, фақат ҳар
қайсингиз алоҳида, гаплаш-
май машқ бажарасиз, сўнг
жавобларингизни солишти-
расиз, шунда ҳам чиқмаса
менга айтасиз.

Болалар уч кун шу тарзда
дарс қилгач, ўғилчилик са-
баби, утилган дарсларни
қўнғ билан тушуниб олиш-
ди, машқ ишлаётганда ҳаёл-
ни бир ерга жамлаб, ўзининг
билимига ишонч билан
қарашда эканлигини билиб
олишди.

Фарзандлари бахтиёр бул-
ган она юртимизда яна бир
тонг олди. Уйқудан қўзини
очган Мадина Бону Давидо-
ва алланималарни эслади-ю
шодликларга тулиб жил-
майди. Олдинда байрамлар,
тўйлар. Унинг эса орзулари
жузда қўп. Ўнг аввало отаси
каби фидойи ўқитувчи бу-
либ, устозлари Усмонали Жу-
манов, Хурсаной Тошпула-
това, Коммуна Нурмонова
каби инсонлардек ҳалол
яшаш, Ватанига, халқига хиз-
мат қилиш.

А. АБДУГАППОРОВ.



БИР ҲАФТА ЯНГИЛИКЛАРИ

Қозғистоннинг
Жамбул шаҳрида Ўз-
бекистон Президенти
Ислом Каримов, Қоз-
ғистон Президенти
Нурсултон Назарбоев
ва Қирғизистон Пре-
зиденти Асқар Акаев
иштирокида давлат-
лараро учрашув бўлиб
ўтди.

Республика Ўқитув-
чилар уйида халқ таъ-
лими тизимини, шу
жумладан мактаб
ўқувчиларини янги ва
сифатли дарсликлар
билан таъминлашни
янада такомиллаш-
тириш муаммоларига
бағишланган кенгаш
бўлиб ўтди.


Корея Республикаси
кардиология жамғар-
маси ҳомийлигида юрак
хасталигига чалинган
тўрт нафар ўзбекис-
тонлик бола давола-
ниш учун Сеул шаҳрига
жўнаб кетди.

Тошкент шаҳар
Шайхонтоҳур туман-
идаги 38-мактабнинг
100 йиллиги нишонлан-
ди.

Ўзбекистон ногирон-
лар жамияти ҳамда
Буюк Британиянинг
«Болаларни асранг»
жамғармаси иштиро-
кида «Ногирон бола-
ларни ҳар томонлама
ривожлантириш
муаммолари ва уларни
ҳал этиш йўллари»
мавзусида халқаро ан-
жуман бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Респуб-
ликаси Фанлар акаде-
миясида болалар-
нинг сеvimли шоири
Уйғун таваллудининг
90 йиллиги нишонлан-
ди.

Тошкентдаги 312-мактабнинг юқори синф
ўқувчилари ҳар бир дарсга масъулият билан
тайёргарлик кўриб келадилар. Шунинг учун ҳам
устозлар доимо уларнинг жавобларидан мам-
нун.



СУРАТДА: 9-синф ўқувчиси Луиза Исмолова ўқитув-
чиси Н. Шодиевага берилган топшириқни ўзлаштирган-
ини кўрсатмоқда; пастдаги суратда 9-синф ўқувчи-
лари Гўзал Қосимова билан Шаҳноза Мирзамухамедо-
ва: физика фанидан берилган топшириқни бажариш-
моқда.

Р. АЛЬБЕКОВ олган суратлар.

«Хурматли муҳарририят ходимлари! Ушбу мактубни ёзишдан мақсад сиз ва сиз орқали бошқа вилоятлардаги тенгдошларимнинг бир масала юзасидан фикрини билишидир. Бу масала ҳозирги кунда барчамизни — биз мактаб ўқувчиларини ҳам, ўқитувчиларни ва ота-оналаримизни ҳам жиддий ўйлантирмоқда.

Синфимизда Раъно исмли қиз бор. У бошқа қизларга нисбатан жуда кўҳлик. Отаси ҳам тумандаги катта корхонанинг раҳбари. Шу сабаб унга чиройли ва қимматбаҳо кийимлар кийиш — қийин иш эмас. Энг муҳими, у бирон янги кийим кийиб келган кун ҳеч кимни «танимай» қолади. Унга ҳавас билан қараётган, кийими ҳақида фикр билдираётганларга алақандай виқор билан қарайди. Синфимиздаги жуда кўпчиликка унинг юриш-туриши маъқул эмас. Аммо биз бунга қарши чиқа олмаймиз. Сабаби, бугунги кунда барча мактабларда мактаб формаси бекор қилинган. Ҳар ким ўз хоҳишига қараб кийим кияди. Авваллари мактаб формаси мавжуд пайтларда бу каби масалани ҳал қилишга ўрин йўқ эди. Ҳамма баробар чиройли ва ёзода, бир хилдаги формада юришар эди. Фикримизча, ўша бир хиллик ўқувчи эканлигини ҳам билдиради ва ортқича «эркалик»ларга ҳам йўл қўймас эди. Балки, яна ўша мактаб формасига ўтилса яхши иш бўлармиди?

Г. БОБОЖОНОВА,
Андижон шаҳри, 10-синф ўқувчиси.

МАКТАБ ҲИДИ УФУРИБ ТУРСИН

Яқиндагина муҳарририятимизга келган ушбу мактуб бизни ёшларнинг кийиш маданияти ҳақидаги фикрларини билишга ундади. Шу мақсадда Тошкент вилояти, Қибрай туманидаги 45-лицей ўқувчиларини «Ўқувчиларнинг ташқи қиёфаси» мавзусидаги баҳс-мунозарага таклиф этдик:

Дилдора СОЛИҲОВА:

— Ҳар бир инсоннинг диди унинг кийиниши, озода, саранжом юриши билан ўлчанади. Ҳар бир кийимнинг эса ўз мавсуми ва ўз жойи бор. Бундан ташқари тўй-

ҳашамларга кийиладиган кийимлар ишчи кийимлардан фарқ қилади. Шундай экан, уйга, ўқишга, кўчага ва бошқа жойга кийиладиган кийимларни ажратиб қўйиш керак. Аммо бугунги кунда мактабларда ҳам, олий ўқув юртларида ҳам моддий жиҳатдан турлича таъминланган оила фарзандлари таълим олишади. Шу сабаб ҳам умумий бир хил форма бўлмагач, уларнинг кияётган кийимлари турличадир. Баъзилари меҳмондорчиликка ё тўйга кетаётгандай кийиниб олишади. Шақилдоқ, узун сирғалар, зар ва мунчоқлар билан безатилган кўйлақлар, турли хилдаги оёқ кийимлари кўзингизга тушади. Мен буни бошқаларни камситиш деб ҳисоблайман. Сўз билан эмас, албатта, юриш-туриш маъносида. Менимча, ҳар бир ўқувчи ота-онасининг

моддий бойлигига қараб эмас, балки ўз ёшига қараб кийиниши керак. Кийимлар озода ва оддийгина бўлгани маъқул.

Дилноза СОТИБОЛДИЕВА:

— Телевизорларда ҳориждаги мактаб ўқувчиларининг ҳаёти ҳақида кўп кўрсатувларни томоша қиламиз. Уларда коллеж ва мактаб ўқувчилари эркин кийим кияди, деб фикр билдирилади. Тенгдошларимиз ҳам ана шу ҳорижлик болаларга тақлид қилишади. Аммо яхшироқ назар ташласангиз, чет элдаги ўсмир болалар ҳам у бойми ёки оддийроқ оила боласими, иложи борица оддий ва ўзини эмин-эркин ҳис қиладиган кийимлар кийишади. Ёки бир хил формада бўлишади. Шаҳардаги мактабларда эса мак-

табга келишдан мақсад ўқиш эмас, кийимларни кўз-кўз қилишдан иборатга ўхшаб қолмоқда.

Гулчеҳра ҲИДОЕВА:

— Бир шоирнинг шеърини эсладим: унда ҳар бир касбнинг ўз ранги ва ўз ҳиди бўлади, балиқчидан балиқ ва денгиз ҳиди, деҳқондан тупроқ ва дала ҳиди уфуриб туради, деган чиройли мисралари бор эди. Шу каби ўқувчининг ўқувчи эканлигини билдириб турадиган бирор нарсаси бўлиши керак. Мен ўйлайманки, биринчи навбатда бу ўқувчи формасидир. Ундан мактаб ҳаёти ҳиди уфуриб туриши керак.

Фарҳод ҲАЙДАРОВ:

— Ўқувчиларнинг турлича кийиниши уларнинг бир-бирларига бўлган муносабатларини ҳам ўзгартириб юборади. Қимматбаҳо кийим кийганлар ўз иқтисодий шароитининг яхшилигини кўз-кўз қилса, оддийроқ оила фарзанди ўз кийимидан уялинкараб юради. Мактаб формаси ўқувчилар орасидаги ана шу такаббурликка чек қўйган бўларди.

Мен яна ўқувчилар формасининг миллийлиги ҳақида ҳам фикр юритмоқчи эдим. Ўзбекона миллий кийимлардаги ўқувчини кўрганда кишида алақандай гурур пайдо бўлади. Аммо миллий матолар ҳисобланган беқасам ва атлас матолар кундалик кийимлар учун яроқли эмас. Туқимачилар бу ҳақда ҳам ўйлаб кўришса яхши бўларди.

Талабаларни дўппиларда ёки хонатлас кўйлақларда кўриш ҳали биз учун нотабиий. Аммо араб мамлакатларининг ўқувчилари ёки туркменистонлик болаларнинг миллий кийимларини кўриб кимнинг ҳаваси келмайди, дейсиз.

Дилмурод ҚОСИМОВ:

— Мактаб ўқувчиларининг турли-туман кийинишлари уларнинг диққат-эътиборларини дарсдан, ўқишдан четга олиб кетмоқда. Кўпда мактабдошларининг суҳбатларига қулоқ солсангиз, улар олди-сотди, кимнинг кийими қандай ёки тижорат дўконларидаги янгиликлар ҳақида сўз юритишаётган бўлишади. Аммо ўқувчининг биринчи ва асосий вазифаси ўқиш ва ўз устида ишлашдир. Ҳаммамиз ҳам шунга интилишимиз зарур.

**Ўқувчиларнинг
фикрларини Кавсар
ТУРДИЕВА
ёзиб олди.**

Таҳририятдан: Мактаб ва болалар ҳаёти учун жуда муҳим бўлган ўқувчилар кийими тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларнинг айримлари билан танишдингиз. Эҳтимол, сизнинг бу борада ўз фикрларингиз бордир. Мактабларингизни кутамиз.



«СИНФБОШИ КЕРАКМИ?»

• Акс садо

Болалар! Едингизда бўлса, газетамизнинг ўтган сонларидан бирида «Синфбоши керакми?» сарлавҳаси остида мақола эълон қилиб, ушбу мақола юзасидан ўқувчи газетхонларнинг муносабатларини билишга қизиққан эдик. Тез орада муҳарририятимизга бу мақола юзасидан фикрлар билдирилган мактублар келди. Биз уларнинг айримларини эътиборингизга ҳавола қилишга қарор қилдик.

БИРГАЛИКДАГИ ИШ — ЮТУҚЛАР ПОЙДЕВОРИ

Урта мактабни тугатганимга ҳам бир йилдан ошди. Шундай бўлса ҳам севимли газетам «Тонг юлдузи»ни ўқиб бораман. Унда эълон қилинган «Синфбоши керакми?» мақоласи менинг ўқувчилик давримни ёдимга солди. Синфимизда 31 нафар ўқувчи ўқирди. Мен бир неча йиллар давомида синфдошларимнинг хоҳиши билан синфбоши вазифасини бажарганман. Синф раҳбаримиз кўпгина ишларда менинг ёрдамимга суянар эди. Биз ҳаммамиз биргаликда

барча байрам тадбирларида, кеча ва викториналарда қатнашардик. Мактаб қоидасини бузганларга кескин чоралар кўрардик. «Қалампир» номи билан чиқадиған деворий газетаси ҳам доимо ана шундай тартиббузарларни танқид қилиш билан бирга аълочи ва жамоатчи ўқувчиларни рағбатлантириб ҳам турарди. Уй вазифаларини тайёрлашда, фанларни ўзлаштиришда қийналаётганларга ҳам кўмаклашар эдик. Бир сўз билан айтганда, синфимиз аҳил ва инок, барча ишларда илғор эди.

Мақтаниш эмасу аммо бундай ютуқларга эришишда синфбошининг роли катта деб ҳисоблайман. Менинг синфдошларим билан тўғри муомалада бўлишим, улар билан доим келишиб иш қилишим барча ишларда ютуққа эришишимизга замин яратган. Мен ана шу ютуқларни Отабекка ҳам тилайман.

**Ҳавасхон СОДИКОВА,
Тошкент вилояти,
Красноярск посёлкаси,
Чапаев кўчаси, 7-уй.**

ҲАММА ЎЗ ИШИГА ЎЗИ ЖАВОБГАР

Бошқа мактабларда қандай билмадиму бизнинг синфимизда синфбоши бор-йўқлиги асло билинмайди. Мактабимиз жуда озода. Дарс бошланишига яқин келсангиз ҳамма жой ярақлайди. Бир сўз билан айтганда, ўқитувчилар ва фаррош холалар билим олишимиз учун ҳамма ша-

роитларни яратиб қўйишади. Дарслар тугашига яқин кўрсангиз-чи...

Ҳамма жойда олма, анор пўчоқлари, чанг-тўзон. Ўғил болалар қизларга лақаб қўйиб олишган. Танаффусларда футбол ўйнаб, дарсга кеч қоладилар. Бунинг устига ўқитувчидан рухсат ҳам сўрамай жойларига бориб ўтиришади. Бундай синфда синфбоши бўлишни истовчиларнинг ўзи ҳам йўқ. Баъзи-

да ўйлаб қоламан: «Бизнинг синфимизда ҳам тартиб-интизом бўлармикан? Тартиб-интизом ўрнатиш фақат синфбоши учун керак эмас-ку ахир? «Барча болаларнинг ўзлари ўз хатти-ҳаракатларига жавоб беришлари керак», деб ўйлайман.

**Озода ХОЛОВА,
Бухоро вилояти,
Ғиждувон туманидаги 3-мактаб ўқувчиси.**



Шаҳоб ака Ҳазратқулов Самарқанд шаҳридаги ўсмирлар кўнгилли спорт жамиятида шахмат-шашка бўйича катта тренер бўлиб ишлайди. Жонкуяр мураббийнинг фарзандлари ҳам шахмат ўйинига қизиқишади. Шу сабабдан ҳам улар вилоят, республика ҳамда халқаро ўсмирлар мусобақалари совриндорларидир.

Суратда: Оиланинг навбатдаги машқ-баҳслари қизгин ўтмоқда.

Р. Альбеков олган сурат.

Қудрат Ҳикмат таваллудининг 70 йиллигига

Болаларнинг севимли шоири, катта дўсти Қудрат Ҳикмат ҳаёт бўлганида бу йил 70 баҳорни қаршилаган буларди. Шоир қисқа умр кўрди. Аммо куплаб болаларимизга ахлоқ-одоб ургатувчи, эсте-

фақат «энг аълочи Алишер керак» деган талабни қўяётми? Чунки ҳамма болалар ҳам аълочи бўлишни орзулайдилар, уларга ҳавас қиладилар. Бу уринда шоир «Болалар, яхши ўқинг, аълочи бўлинг» де-

— дер,
— Ҳа, сен узинг, — дейди Шер.

Шоир бу қувноқ шеъри орқали болажонларни мақтанчоқлик, манманлик орқасидан сиз ҳам шундай кулгули ҳолатга тушиб қолманглар, дея огоҳлантиргандек бўлади. Ёки «Мен иккидан қандай қутулдим» шеърида «2» баҳони жонлантириш орқали, уларга хос характерли хусусиятларни чизади. Уқувчи билан у (икки баҳо) ўртасидаги қарама-қаршиликларни кулгули тарзда ифода этади.

Қудрат Ҳикмат уз асарларида қофияли сузларни ишлатиш орқали поэтик фикрни болалар онгига тезроқ ва соддароқ сингдиришга эришади.

Менинг моделчам,
Келишган, ихчам.
Баланд кенгликка,
Учади тикка...

деб бошладиган шеъри фикримиз далилидир. «Эринчоқ» шеърида эса такрорий қофиялаш усулидан фойдаланиб, унинг раван қиқилини таъминлайди:

Кузда ёмғир томчилаб,
Эринчоқни қамчилаб,
— Югур! — дейди, — дарсингга,
— Улгур! — дейди, — дарсингга.

Сени курсам қуяман,
Устингдан сел қуяман.
Мазкур мисралардаги «дейди», «дарсингга» сузларининг такрорланиши, қайтарилиши туфайли «югур», «улгур» каби мисралар бошида ҳам тулик қофия яратилганлиги натижасида шеърнинг таъсир кучи, оҳангдорлиги, мусикийлиги юзага келган.

Қудрат Ҳикмат бутун ҳаётини, фаолиятини, бор қобилиятини бадиий ижодга — болалар адабиётининг равнақига бағишлаган, куплаб улмас асарлар яратган фидойи инсондир. У яратган гоёвий юксак, бадиий баркамол асарлар ёш авлод таълим-тарбиясида ҳамиша кучли восита бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Севимли шоиримиз ҳаёти унинг шеърлари сатрларида давом этади.

Соҳиба
ИРИСХЎЖАЕВА.

Янги йил томошалари

Болаларнинг қишки таътил кунларига ҳамма жойда бўлгани каби пойтахтимиздаги М. Горький номли давлат рус академик драма театри ижодий жамоаси ҳам қизгин тайёргарлик кўрди. Бу ерда Корней Чуковский эртаги асосида яратилган «Пашша-ойпошша шоу» янги йил томошалари бўлиб утади. У албатта болажонларга маъқул бўлади, деб уйлаймиз.

КОРНЕЙ ҲАМ ЎҒЛИГА ЭРТАК АЙТГАНДИ

Машҳур адабий танқидчи, купгина китоблар муаллифи Корней Чуковский бутунлай тасодифан болалар шоири ва эртақчиси бўлиб қолган экан. Қандай қилиб дейсизми? Мана, тингланг.

Бир куни Корней Ивановичнинг ўғилчиси бетоб бўлиб қолади. Ва уни ёзувчи тунги поездда уйга олиб кетади. Ҳархаша қилиб йиғлаётган болани бир оз булса-да қалғитиш мақсадида ота унга эртақ айта бошлади. У эртагини бошлаганида сўнгги нима билан тугагини узи ҳам билмасди. Мухими, тухтамаслик, болани овуттириш эди. Шундай қилиб, вагонларнинг бир меъёрадаги садоси остида уз-уздан шеърий сатрлар ҳо-



сил була бошлайди. Кутилмаганда бола йиғидан тухтаб, эртақ тинглашга тушади. Кейин нима бўлганини эртақчи шундай эслайди: «Ўз-уздан шеър қуйилиб келарди. Уларнинг шакли ҳақида уйлаб ҳам утирмадим. Менинг асосий ташвишим — бемор бола вужудини оғриқдан ҳалос этиш эди. Шунинг учун жуда шошардим...»

Хуллас, шошиб туқилаётган шеърий сатрларга маҳлие бўлган бола ухлаб қолади. Эрталаб уйғониб оқотасидан яна уша эртақни айтиб беришни илтимос қиладди. Бундан қарангки, ота ҳаммасини сузма-суз эслаб қолган экан.

Эҳтимол, бу воқеа шоир ижодига кейин жиддий таъсир қилмаслиги мумкин эди. Бироқ тез орада яна худди шунга ухшаш ҳодиса юз берди.

Эрталаб у кичкина қизалоқнинг бор овозда йиғлаётганини эшитади. Сабаби, у ювинишни истамаётган экан. Шунда Корней Иванович қизчани қулига олиб кутилмаганда шеър тўқий бошлайди ва машҳур «Ювин думбогим» эртаги вужудга келди. Умуман, «Доктор, Войжоним», «Бармолей», «Телефон», «Пашша-ойпошша» ва бошқа эртақлари ҳам ана шу тарзда вужудга келган.

«Пашша-ойпошша шоу» томошасида болаларни ажойиб қушиқлар, рақслар, ҳазил-мўтойибалар кутмоқда. Режиссёр Ўзбекистон халқ артисти, Қирғизистонда хизмат курсатган санъат арбоби Л. Хужасева, сахна безакларини А. Нуриев ишлаган, кийимларни эса М. Саъдиева танлаган.

Владимир
ОСТРОВСКИЙ,
театршунос.

САПРАЛДАРДА ҚОЛГАН УМР

тик завқ берувчи сузлардан маржонлар ясаб, шеърий асарлар қолдирди.

Шоир 1925 йилда Тошкентда, камбағал деҳқон оиласида дунёга келди. Адиб Ойбекнинг меҳрибонлиги ҳамда Қуддус Мухаммадий кумагида шеъриятнинг сирли оламига кириб келган Қудрат Ҳикмат қайси мавзуда қалам тебратмасин, ижодини ёшлар ҳаёти билан боғлашга интилди. Унинг шеърларида она-Ватанга муҳаббат улугланади. Юртимизни ардоқлаш, мадҳ этиш орқали шу гоёни умумлаштиришга интилди. Ўзбекистонимизни чинакам тинчлик қургони тимсолида мадҳ этди. Қудрат Ҳикмат шеърларига назар ташласак, «теша тегмаган», ҳеч кимнинг ҳаёлига ҳам келмаган мавзуларни топа олишидан ҳайратланамиз. Масалан, «Оқ теракми, кук терак» деган шеърини олиб кўрайлик. Юзак қараганда, бу болалар уйини оддий, маълум бир панду насихатдан йироқдек туюлади:

— Оқ теракми, кук терак,

Биздан сизга ким керак?

— Бизга керак сизлардан,

Кук куйлакчи Ҳади-ча...

Аслида-чи, шоир оддий бир болалар уйинидан муҳим бир поэтик хулоса чиқаради:

— Оқ теракми, кук терак,

Биздан сизга қим керак?

— Бизга керак мактабда,

Энг аълочи Алишер...
Хуш, бу ерда шоир нега

ган панду насихат ўрнига, ана шу оддий уйин воситасида бу гоёни болаларча содда тил билан уқтиради. Болалар эса «демак, аълочилар ҳаммага керак экан» дея хулоса чиқариб, улардек бўлишга ҳаракат қиладилар. Қудрат Ҳикматнинг турли уйин машғулоти тарзидаги асарларида икки гоёвий мақсад илгари сурилади. Улардан бири чаққон, чиниққан, шух ва қувноқ бўлишга даъват этишдан ва шу асосда уларни соғлом устиришдан иборат тарбиявий мақсад кўзда тутилса, иккинчидан, ана шу асосда ёшларни одоби, ахлоқли, интизомли ва аълочи бўлиб етиштиришга замин тайёрланади. Шоирнинг «Эркатойим ҳали ёш» асарида айрим ота-оналаримизнинг бола тарбиясида йул қўяётган хатоликлар танқид қилинса, «Эшак нега ҳанграйди?» асарида ҳангроқи ва аҳмоқ эшак тимсолида болаларимиз орасида учраб турадиган айрим салбий одатлар — мақтанчоқлик, манманлик, лақмалик қораланади. Шеърда бир гала ҳайвонлар — фил, тулки, кийик, эшак, чучқалар орасида «Қайси ҳайвон дунёда энг кучли ва гузал?» деган тортишув боради. Мақтанчоқ эшак ҳар икки ҳолда ҳам «мен, мен» деб ҳанграйверади. Ниҳоят:

Шер сўнг марта суз қотар:

— Дунёда энг аҳмоқ ким?

Мажлис аҳли қолар жим.

Бу гал ҳам эл бурундан,

Эшак туриб уридан:
— И-хо, мен, и-хо, мен,



ВАФОДОР КУЧУКЧА

Кунларнинг бирида қаттиқ шамол бўлиб, ёмгир қуя бошлади. Секин урнимдан туриб, ташқарига чиқдим. Ховлида кичкинагина кучукчанинг инграётган товуши эшитилди. Мен кучукчани изладим ва девор тагидан топдим. Унга ҳар кун сут, нон, суяк бериб устира бошладим. Усадиган итларнинг боласидан эканми, жуда тез катта бўлди. Куп утмай қуйимиз қузиқоқ туғди. Кучукча билан қузиқоқ роса уйнашарди, қушнимиз Одил қузиқоқни роса мақтади, лекин кучукча ҳақида оғиз ҳам очмади.

Бир куни Одил ан-

хорчадан кичкина ёғоч қуйиб, энди утаман, деганида қузиқоқ орқасидан итариб юборди. Одил мувозанатини йуқотиб, анҳорчага «шало» этиб йиқилиб тушди. Кучукча эса унинг кийимидан тишлаб, сувдан олиб чиқди. Шу воқеа баҳона Одил кучукчани мендан олди ва ҳозирда уз уйида устирмоқда. Унинг отини Олапар қуйишган. Олапар ҳозиргача уй қуриқлаб ётади.

Бунёд МИРСОАТОВ,
Пскент шаҳридаги
Ойбек номли
5-ўрта мактабнинг
6-синф ўқувчиси.



— Куни кеча олиб келган ширинликларим бир зумда тугаб қолибдими? —

дея болаларини койиган онасига жажжи Хилола шундай деди:

— Ойи, яхшиси дуконни уйимизга кучириб кела қолайлик, шунда конфетимиз ҳечам тугамайди.

Бува набирасидан қизиқиб суради:

— Хуш, духтир сени нима қилди?

— Деярли ҳеч нарса. Қулимдан ушлади-да, соати тугри юраётганини билиш учун унга қаради.

— Дада, сиз нимадейсиз, катта бўлганимдакуз духтири бўлайми ё тиш духти-

ри? — Албатта тиш духтири бўлганинг яхши! Негаки, одамларда куз иккита, тиш эса уттиз иккита.

— Ойи, мен сизни хурсанд қилайми? — деди мактабдан келган Хурсанд.

— Қани айт-чи, нимакин?

— Менга бу йил янги китоб сотиб олиб бермайсиз.

— Нима учун?

— Сабаби, мен олтинчи синфда яна қайта ўқийман.

Қидирбой ТҮЛЕБОВ
тўплаган.

ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИ ПОЙТАХТЛАРИ

1. Марказий Осиёдаги энг катта пойтахт шаҳар номини топинг.
2. Қайси мамлакат ва пойтахтда коинот жисми бор?
3. Қайси пойтахтлар «обод»?
4. Қайси давлат ер юзидаги энг йирик жонивор номи билан бошланади? Ундаги бир ҳарф урнини алмаштириш билан ҳул мевага айлантирингчи?
5. Қайси пойтахтда «машқ» бор?
6. Жануби-шарқий Осиёдаги давлат пойтахтининг биринчи ҳарфини алмаштириб, муқаддас шаҳарга айлантиринг-чи?
7. Кунчиқар мамлакат пойтахтидаги ҳарфлар урнини алмаштириб, шу давлатдаги бошқа шаҳар номини ҳосил қила оласизми?
8. Қайси мамлакат «Ин»дан бошланади, қайси пойтахт «ин» билан тугайди?
9. Баҳрайн давлати пойтахтидаги бош ҳарфни узгартириб Марказий Америкадаги давлат номини ҳосил қилинг-чи?
10. Қайси давлат ва унинг пойтахтидаги учта сунгги ҳарф бир хил?
11. «Бир»дан бошланувчи мамлакат пойтахти «ун» билан тугашини биласизми?
12. «Студия» сузидаги бир ҳарфни узгартириб давлат номига



айлантира оласизми?

13. Қайси Араб мамлакати пойтахти шифобахш гиёҳга номдош?

14. «Бута»ли мамлакатни биласизми?

15. Жанубий давлатлардан бири пойтахтидаги бир ҳарфни учуриш билан кучли ёгингарчиликка айлантиринг-чи?

16. Қайси давлат дунё океанларидан бирининг номи билан бошланади?

17. Қайси пойтахт «Ер»дан бошланади?

18. Давлатларнинг биридан икки ҳарфни учуриб «ип» ҳосил қила

оласизми?

19. Қайси мамлакат «оқ» бўлиб, унинг пойтахти Фарғона водийсидаги туманга номдош?

20. Пойтахтлардан бири «қора» билан тугашини биласизми?

21. Қайси давлат дарё номи билан бошланади?


22. Пойтахтлардан бири ҳафта кунига номлошлгини биласизми?

23. Қайси мамлакат «Пок»дан бошланади?

24. Қайси давлат Ўзбекистондаги анорзорлари билан танилган туман номи билан бошланади?

Топқирлик машқи

ЖУГРОФИЯ ПОПШИРИК



Шаклдаги ҳарфлардан фойдаланиб, «а» ҳарфлари бўлган еттита жүгройфий номни энига томон ёзинг.

Тузувчи:
Ф. ОРИПОВ.

Тутмачасиз тун кийган,
Ич куйлакни жун кийган.
Минг-минг булақдир тани,
Одамларнинг севгани.

Аямасдан борини,
Сенга берар барини.
Уриштирмас, уришмас,
Ишни ёмон кўришмас.
Жамлаб ҳикоя, эртак,
Удир барчага керак.
Шундай бир ажойиб дуст,
Бирга ҳамдам бўлиб ус!

(Китоб).

Чакнаса кукда чакмоқ,
Гумбурласа қалдирик,
«Не гап?», деб ер бағридан,
Чиқишар кийиб қалпок.

(Кузиқорин).

Осмон оша,
Тоғ оша,
Куни буйи
Томоша —
Курсатди-ю.
Ётводди.
Қора парда,
Тортводди.

(Қуёш).

Емайди ва ичмайди,
Қанот қоқиб учмайди.
Сайрару суйлар тинмай,
Йуталмай ва ютинмай.

(Радио).

ТОПИШ- МОҚЛАР

Жикқа ҳулу
Учар у.
Кема эмас,
Сузар у.
Кук бағрида
Кезар у.
Ер юзини
Безар у.

(Булут).

Уйимда қафас кути,
Кути ичида тути.

Йулсиз юрар,
Қолмас из.
Ҳеч нарсани
Қилмас ҳис.
На оёқ, қул,
Оғзи бор.
Бурамасанг
Нози бор.
Синар сабр-
Тоқатинг.
Вақтинг улчар

(Соатинг).
Ғиёс КОМИЛОВ.



21 ноябрь сонидagi «Қизиқарли жумбоқлар»нинг жавоблари.

НҲҲҲА АЖА-СИҲҲИЛ?

Сингилнинг бир акаси ва бир синглиси бор. Оиладаги жами фарзандлар сони учта.

НҲҲҲА КАҲҲИ ҚОЛДИ?

Йигирма дона.
ЭШКАКЧИНИНГ УСҲИ
Қувур қайиқ остига боғлаб жойланди.

АВТОБУС ВА ВЕЛОСИПЕДУЧИ

Бир хил масофада.

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Бош муҳаррир
Умида АБДУАЗИМОВА

Таҳрир хайъати:
Наримон ОРИФЖОНОВ,
Феруза ЖАЛИЛОВА,
Раҳима ШОМАНСУРОВА,
Марат ШАФИЕВ,
Сайриддин ХОЛОВ
(масъул котиб)

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табоқ. Буюртма — Г 0505. 11.000 нусхада босилди. Қоғоз бичими — А-3. Боснига топишириш вақти 19.00. Топишилди — 18.30.

• Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137
• Манзил: 700083, Тошкент шаҳри,
• Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
• Телефон: 33-44-25